



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (0-366) 629-15-10, faks (0-366) 629-11-54

140704, г.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-1154

20 16 у.г «29» май

№ 1658-4

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

Иштихон шаҳри Қорақўйли МФЙ Навруз кўчаси ҳудудидан Шакаров Ақромга ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида фуқаро Шакаров Ақромнинг Иштихон шаҳри Қорақўйли МФЙ Навруз кўчаси ҳудудида жойлашган аҳоли уй-жойлари ёнидаги бўш турган қаровсиз аҳволдаги туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобидаги ер майдонида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун 239.4 кв.метр ер майдони ажратиб беришини сўраб ёзган аризасини ҳамда туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссия аъзоларининг 2018 йил 23 майдаги 32-сонли ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномасини қўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси аъзоларининг 2018 йил 23 майдаги 32-сонли далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Шакаров Ақромга Иштихон шаҳри Қорақўйли МФЙ Навруз кўчаси ҳудудида жойлашган аҳоли уй-жойлари ёнидаги бўш турган қаровсиз аҳволдаги кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган туман ҳокимлиги захира фонди ер ҳисобида бўлган 239.4 кв.метр ер майдонида капитал қурилиш ишларини олиб бормаслик шарти билан 5 йил муддатга ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун ажратиб берилсин.
3. Фуқаро Шакаров Ақромга белгиланган тартибда техника хавфсизлиги коидаларига роия қилган ҳолда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш вазифаси юклатилсин.
4. Туман бош архитектори (И.Азимов)га ободонлаштириш учун ажратилган ер майдонини натурада ўлчаб бериш вазифаси топширилсин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов